

А Ж Р И М

2026 йил март ойининг 3 куни жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД бешинчи минтақавий ҳудуд, 12-сон жазони ижро этиш колонияси биносида бўлиб,

Раислик қилувчи А.Исоқов,

Ж.Мавлоновнинг котиблигида, Зарафшон шаҳар прокурори ёрдамчиси М.Мусаева, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД бешинчи минтақавий ҳудуд, 12-сон жазони ижро этиш колонияси бошлиғи Ф.Қобилов ва маҳкум Д.Абдурахмонов иштирокида, маҳкум Абдурахмонов Достон Хомиджон ўғлини жазони ўташ учун манзил-колониясига ўтказиш тўғрисидаги илтимосномаси ва тўпланган ҳужжатлар асосида кўриб чиқилди.

Маҳкум Абдурахмонов Достон Хомиджон ўғли 10.05.2003 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам:

1). 12.10.2022 йилда жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг ҳукмига кўра, ЖК 169-модда 3-қисмининг “а” банди, билан айбланиб, ЖК 57-моддасини қўллаб 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. 04.08.2023 йилда жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг ажримига кўра, ЖК 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 11 ой 23 кун жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Қамалгунга қадар: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қўштут маҳалласи, Ободон-тор кўчаси, 42-уйда яшаган.

Суд, маҳкумнинг йиғма жилди ва тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб, маҳкум ва колония вакили ҳамда прокурор хулосасини эшитиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Маҳкум Абдурахмонов Достон Хомиджон ўғли 15.01.2025 йилда жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг ҳукмига кўра, ЖК 169-модда 3-қисмининг “а” банди, 227-модда 2-қисмининг “а” банди билан айбланиб, ЖК 60,61-моддалари тартибида 3 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига судланган. ЖК 62-моддаси қўлланилиб, 3 йил 1 ой 29 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Маҳкум Абдурахмонов Достон Хомиджон ўғли тайинланган жазони 2026 йил 3 мартгача 1/2 қисмини, яъни 1 (бир) йил 7 (етти) ой 3 кунини



ўтаган, ўталмай қолган жазоси 1 (бир) йил 6 (олти) ой 26 кунини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 113-моддасида, манзил-колонияларга ижобий тавсифга эга ва ўта оғир жинояти учун, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар ўтказилиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд, томонларнинг фикрини эшитиб, маҳкум Абдурахмонов Достон Хомиджон ўғли жазони озодликдан маҳрум этиш жойларида ўтаб юриб, жазони ўташ даврида ўзини яхши томонларини кўрсатиб, ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлиги, унга нисбатан жазони ўташ даврида интизомий жазо қўлланилмаганлигини инобатга олиб, прокурорнинг, маҳкум Д.Абдурахмоновнинг ўталмай қолган жазосини манзил-колониясига ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш тўғрисидаги фикрларини эшитиб, илтимоснома асосли бўлганлиги сабабли қаноатлантиришни лозим топади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 537-моддаси ва ЖИК 113-моддасига асосан суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Маҳкум Абдурахмонов Достон Хомиджон ўғлининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Абдурахмонов Достон Хомиджон ўғлини озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган 1 (бир) йил 6 (олти) ой 26 кунини манзил-колониясида ўташ учун ўтказилсин.

Ажрим нусхаси ижро қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги ЖИЭД бешинчи минтақавий ҳудуд, 12-сон жазони ижро этиш колонияси бошлиғига юборилсин.

Суднинг ҳукмини, ажримини ва қарорларини ижро этиш чоғида юзага келган масалаларни ҳал қилиш тўғрисидаги ажрим суд томонидан ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради. Суднинг ажрими устидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 499-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан кассация тартибида хусусий шикоят (хусусий протест) берилиши мумкин.

Раислик қилувчи: /имзо/ А.Исоков

Ажрим нусхаси аслига тўғри: А.Исоков

